

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ОМЕНАЛИСТИК АЙТИМЛАРИНИНГ КОГНИТИВ ВА  
КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Мўминова Нодира Махмудовна,  
Андижон давлат университети докторанти*

*Аннотация. Мақолада инонч айтим жанрининг бадиий-эстетик эволюцияси, паремиянинг нутқий анъанага айланганлиги, паремик асарларнинг мазмуни ва бадиияти, миллий характер белгилари ва маиший амалиётга йўналганлиги тадқиқ этилган. Паремик тур таркибига кирувчи ва асосан маиший-утилитар функция бажарувчи кичик ҳажмли фольклор жанрлари ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди этнопоэтикасининг қирраларини очиб беришида муҳим манба эканлиги ёритилган.*

*Калит сўзлар: оменалистик айтимлар, нутқий анъана, паремик тур, этнопоэтика, маиший-утилитар функция, инонч айтимлар.*

**COGNITIVE AND COMPOSITION CHARACTERISTICS OF OMENALISTIC  
SAYINGS OF THE UZBEK PEOPLE**

*Muminova Nodira Makhmudovna,  
Doctoral student of Andijan State University*

*Abstract. The article examines the artistic-aesthetic evolution of the inonch saying genre, the fact that paremia has become a speech tradition, the content and artistry of paremic works, national character traits, and their orientation to domestic practice. It is highlighted that the small-scale folklore genres, which are part of the Paremik type and perform mainly household-utilitarian functions, are an important source for revealing the aspects of the ethno-poetics of the Uzbek folk oral artistic creation.*

*Key words: omenalistic utterances, speech tradition, paremic type, ethno-poetics, household-utilitarian function, religious utterances.*

**КОГНИТИВНАЯ И КОМПОЗИЦИОННАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА  
ОМИНАЛИСТИЧЕСКИХ ПОСКАЗАНИЙ УЗБЕКОВ**

*Муминова Нодира Махмудовна,  
докторант Андижанского государственного университета*

*Аннотация. В статье рассматривается художественно-эстетическая эволюция жанра иночской поговорки, превращение паремии в речевую традицию, содержание и художественность паремных произведений, черты национального характера, их направленность на бытовую практику. Подчеркивается, что малые фольклорные жанры, входящие в состав паремического типа и выполняющие в основном хозяйственно-утилитарные функции, являются важным источником для раскрытия аспектов этнопоэтики узбекского народного устного художественного творчества.*

*Ключевые слова: оменалистические высказывания, речевая традиция, паремический тип, этнопоэтика, хозяйственно-утилитарная функция, религиозные высказывания*

Кириш. Халқимиз моддий ва номоддий маданий меросининг ноёб дурдоналаридан саналувчи фольклорга хос катта-кичик жанрларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг шаклланиш тарихи, бадиияти, бошқа халқлар оғзаки ижодиётидаги турдош намуналари билан типологик яқинликлари, ўзига хослигини ёритиш жараёни кундан-кунга кучайиб бормоқда. Шундай сайёи ҳаракатлар самараси ўларок, миллатдошларимизнинг жонли нутқида яшаб келаётган турғун айтимларнинг таснифи даставвал лингвокультурология фанида яратилди. Бироқ халқ айтимларининг бадиий-эстетик хусусиятларига доир назарий қарашлар ҳали такомиллашишга улгургани йўқ. Холбуки, ижодий салоҳияти юксак бўлган халқимиз томонидан яратилган ва Ўзбекистон халқларининг бой маънавий қадриятлар тизимида муҳим ўрин тутадиган инонч айтим сингари фольклор жанрларига мансуб асарларни дунё фольклоршунослигининг устувор назарий концепциялари асосида тадқиқ этиш ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг генезиси, бадиий эволюцияси ва маънавий-маданий тараққиётда тугган ўрнига доир янги хулосалар чиқариш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбек фольклоридаги турли айтимлар, чунончи, инонч айтим жанрининг бадиий-эстетик эволюциясини изчил тадқиқ этиш учун бўлган илмий эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда. Бугунга қадар ўзбек халқ инонч айтимларини тўплаш ва ўрганиш борасида Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Жўраев, И.Ёрматов, С.Мирзаева, Д.Ўраева, Н.Қўчқоров, Б.Соатов, Ф.Эшбоева каби олимлар изланишларни олиб борган. Аммо миллий фольклоршунослигимизда инонч айтим жанрининг шаклланиш тарихи, тадрижий ривож қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари шу вақтга қадар аниқланган эмас.

Шу боисдан ҳозирга қадар ёзиб олинган инонч (ирим-сирим ва таъбир) айтимларни яхлит ҳолда тўплаб, фундаментал ўрганиш асосида бу жанрга оид матнларни тасниф қилиш ва ҳар

бир типга мансуб асарларнинг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштириш, унинг бадиий тил хусусиятларини тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг долзарб илмий муаммолари сирасига киради. Сўнгги ўттиз йил ичида рўй берган ижтимоий ўзгаришлар таъсири туфайли асрий истибоддан халос бўлган халқлар этномаданий жиҳатдан уйғониши баробарида, фольклорнинг кўхна айтимларини ифодаловчи микрожанрларнинг маиший-эстетик аҳамиятини англаб етиш кўникмасини ҳар қачонгидан кучайтирди. Жумладан, сўнгги ўн йилликда Париж шаҳрида халқаро “Proverbium” журнаlining нашр этилаётгани дунё халқлари паремиологиясига доир энг янги илмий ахборот тизимини ўзаро мувофиқлаштириш ва этнослар тарихий-маданий уйғунлигини тадқиқ этиш борасида муҳим воқеа бўлди.

Тадқиқот методологияси. Паремик тур таркибига кирувчи ва асосан маиший-утилитар вазифани адо этадиган кичик ҳажмли фольклор жанрлари ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди этнопоэтикасининг номаълум қирраларини очиб беришга қодир манба сифатида тобора ёрқин кўринмоқда. Улар XX-XXI асрларда кечаётган глобаллашув жараёнида ҳам миллатимиз этник маданиятининг тарихий-адабий унсурлари кўринишида яшаб ва сақланиб келаётгани фольклоршунослигимиз олдига оғзаки ижодиётнинг бундай коммуникатив шакллари янада пухта ўрганиш вазифасини қўяди. Дунё фольклоршунослигининг бугунги тараққиётида жамоавий оғзаки ижодиётнинг шу сингари жанрлари этнопоэтикасини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Этнопоэтикага бой фольклор асарларини тўплаш ва глобаллашув жараёнида этник маданият унсури сифатидаги хусусиятларини синчиклаб ўрганиш турли халқлар ўртасидаги бағрикенглик ва ўзаро маданий ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришда ҳам сезиларли ўрин тута бошлади. Бу борада, айниқса, фольклорнинг бошқа намуналарига нисбатан ахборот ташиши жиҳатидан устунлиги билан ажралиб турадиган паремик жанрларнинг ўрни ва аҳамияти бўлақча. Энг қизик жойи шундаки, дунё халқлари яратган инонч айтимларнинг мазмуни ўзаро яқин бўлиши баробарида, юқорида айтилганидек, миллий характер, яшаш минтақаси ва бошқа сабабларга кўра бир-бирини мантқан инкор этувчи жиҳатларга ҳам эгадир.

Шу боисдан қардош бўлмаган халқлар перемиологиясида, айтайлик, битта табиат ҳодисасининг сабаб ва оқибатлари мутлақо бошқача талқинини топган бўлиши мумкин. Масалан, Россиядек намчил ва совуқ ўлка халқлари тўқиган инонч айтимлар мундарижасида тақвимий ва метеорологик паремалар салмоқли ўрин эгалласа, ўзбек инонч айтимларининг катта қисмини инсоннинг қиёфаси ва тана аъзоларидаги белги берувчи хислат ва иллатлар, шунингдек, деҳқончилик ва чорвачилик мазмунидаги анъанавий айтимлар эгаллайди. Чунки парема ёки фольклорга хос микромаданий ҳудуд жиҳатидан бир-биридан узоқда яшовчи халқларнинг (этномаданий социумларнинг) универсал ва уникал баҳо ва хулосалари муҳрланган бўлади.

Таҳлил ва натижалар. Туркий халқлар фольклоршунослигининг айрим назариётчилари мифологик инончнинг тадрижий ривожига ҳамда инонч айтим жанрининг пайдо бўлишига фольклор ижрочиларининг (туркий ва мўғул-бурят халқларида шомонларнинг) бадиҳагўйлик иқтидорини асос қилиб кўрсатадилар. Инонч айтимлар оғиздан оғизга ўтиб келиши жараёнида бошқа паремик жанрларда бўлгани сингари турли хил таркибий ўзгаришларга учраган. Улардан асосийси чора-тадбир компонентининг унутилишидир. Бунинг ижтимоий-маиший сабаби, юқорида айтилганидек, тезкор замон ҳодисаларининг янги авлод онига кучли таъсири, хусусан, уларнинг асосий вақтини турли ижтимоий тармоқларнинг компьютер ва уяли телефонлар воситасида етказётган ахбороти эгаллаганлиги, бунинг натижасида ёшлар томонидан мазкур жанр намуналарига бўлган ишончнинг сўна боришидир. Натижада инонч айтимнинг айрим намуналари катта авлод вакилларининг хотирасида ҳам сабаб ва оқибатдан иборат икки компонентли кўринишга эга бўлиб қолган:

1. Қозоннинг қирмочини еса, тўйида қор ёки ёмғир ёғади.
2. Кулни супиринди билан аралаштирса, тўйига аза аралашади.
3. Лаганнинг тагини яласа, бой бўлади.
4. Матони кўндаланг тиктирса, бева қолади.

Ушбу икки компонентли мисолларда тўйида қор ёки ёмғирни ёғдирмаслик, тўйига азани аралаштирмаслик ва бой бўлиш ёки эридан бева қолмаслик учун қандай чора ёки тадбирни қўллаш мазмуни акс этган учинчи муҳим компонент тушиб қолган (айтувчининг хотирасидан ўчган, бу компонентнинг мўъжизавий таъсир қудратига ишонилмай қўйилган).

Юқорида таъкидланганидек, Е.Е.Завьялова илмий истеъмолга киритган оменализм (инонч айтимларга бўлган кучли ишончнинг сусайиши туфайли инверсия (мазкур жанр намуналаридаги қайсидир компонентнинг тушиб қолиши) ҳодисаси инонч айтимларнинг нафақат чора-тадбир, балки оқибат компоненти билан боғлиқ ҳолда ҳам содир бўлиши мумкин. Оқибат узвини унутган авлод вакиллари фарзандларига тарбиявий инонч айтимнинг фақат сабабини етказиб, унинг давомидан “яхши бўлади” ёки “ёмон бўлади” дейиш билан чекланишади. Мисол учун:

1. Кечқурун чапак чалса, ёмон бўлади.
2. Бировни супурги билан урса, ёмон бўлади.
3. Узоқ сафарда ёнида нон олиб юрса, яхши бўлади.
4. Ёмон тушни эрталаб сувга айтса, яхши бўлади.

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, инонч айтимлар сирдан назар солинганида

содда жанрдек кўринишига қарамасдан, семантик ва структурал жиҳатдан ички мураккабликка эга. Чора-тадбир компоненти унутилган ҳолда қўлланилаётган инонч айтимнинг яна айрим намуналари:

1. Кимнинг қўлида холи бўлса, меҳнаткаш одам бўлади.
2. Қора чигиртка чирилласа, ҳаво очик бўлади.
3. Қоқи ўт гулининг кўзи юмилиши – ёмғир аломати.
4. Эрталаб кўп шудринг тушса, ҳаво очик бўлади.
5. Кечқурун тирноқ олса, оиласида кимдир ўлади.
6. Иккита супурги бир жойда турса, фалокат кўш бўлади.
7. Турмушга чиққан қизлар сирғасиз юрмайди, бевалар сирғасиз юради.

Инонч айтимларнинг халқ хотирасида сақланиб қолган сабаб ва оқибат узвлари парвоз қилаётган қушнинг қанотлари сингари биргаликда ва тенг иштирок этади. Улар синтактик жиҳатдан сабаб эргаш гапли кўшма гап ҳолида бирикиб, тингловчига муҳим маиший ахборотни етказди. Уларни юқорида кўриб ўтганимиз сингари алоҳида қўллагудек бўлсангиз, ахборот мазмуни йўқолиб, инонч айтим жанрига мансуб бўлмаган оддий содда гапга айланади-қолади.

Мингдан зиёд фактларни синчиклаб кузйтишларимиз натижасида аниқланган шундай ҳоллар ҳам мавжудки, баъзан инонч айтимларда оқибат узви билан бирга чора-тадбир компоненти ҳам унутилиб, ушбу жанр намунаси биргина сабаб компонентли шаклга келиб қолади. Натижада, улар иккиси тўғрисидаги хира тасаввур сақланиб, ноиложликдан “яхши бўлади” ёки “ёмон бўлади” деган сўз бирикмалари қўлланилаверади. Масалан:

1. Кечқурун тирноқ олса, ёмон бўлади.
2. Эркак кишининг йўлини кесиб ўтса, ёмон бўлади.
3. Супургини тик холда қўйса, ёмон бўлади.
4. Ўнг кўзи учса, яхшиликка бўлади.
5. Бойўғли сайраса, ёмон бўлади.

Бу кўринишдаги инонч айтимларнинг ижрочилари биринчи мисолдаги “якин қариндоши ўлади (О)”, билмасдан кечқурун тирноқ олиб қўйди, якин қариндоши ўлмаслиги учун энди нима қилиш керак? (Т); иккинчи мисолдаги “ўғил туғмай ўтади (О)”, “хўш, ўғил туғиши учун нима қилиш керак? (Т); учинчи мисолдаги “душмани оёққа туради” (О), “душмани оёққа турмаслиги учун нима қилиш керак? (Т); тўртинчи мисолдаги “яхши кўрган одами билан учрашади” (О); бешинчи мисолдаги “кимдир ўлган бўлади (О)”, “биров ўлмаслиги учун нима қилиш керак? (Т)” кабилидаги муҳим семаларни унутганлар.

Инонч айтимларнинг икки узви намуналари тугал (уч узви) кўринишларига нисбатан кўп сақланиб қолганини айтиб ўтган эдик. Уларнинг кўзга яққол ташланувчи жиҳатларидан бири сабаб ва оқибат компонентларининг вариантлилигидир. Бунинг сабаби, бизнингча, оқибат компоненти мазмунининг унутилиши натижасида бир нечта сабабга битта оқибат узви маъно жиҳатидан уйкаштирилган.

Хулоса. Паремияга мурожаат қадим замонлардан бошлаб барча халқлар донишмандлигининг ўта ихчам ва пурмаъно ифода зарурати туфайли нутқий анъанага айланган экан, бугунга қадар жамланган паремик асарлар мазмуни ва бадиияти, миллий характер белгилари ва маиший амалиётга йўналганлиги жиҳатидан миллат даҳосининг камолот даражасини англатади. Миллий тафаккурнинг қадимий кўринишлари эса ўзлигини англаган бугунги замон зиёлиси учун ҳамisha кизиқарлидир.

Адабиётлар

- Мирзаев Т. Ўзбек халқ дostonчилигида бадиий маҳорат. –Т., Фан, 1969;  
 Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. –Т., Фан, 1974;  
 Хусайнова З. Ўзбек топишмоқлари. –Т., 1966;  
 Сафаров О. Болаларни эркаловчи ўзбек халқ кўшиқлари. –Т., Фан, 1983;  
 Ёрматов И. Ўзбек халқ ирим айтимларининг жанр хусусиятлари./“Фан ва таълим” илмий тўплами. Тошкент, “насаф” нашриёти. 2010. Б.193-2007;  
 Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиийлиги. НДА, –Т., 1993; Яна ўша. Ўзбек халқ афсун-дуолари ҳақида. –Андижон. 1991  
 Музаффарова С. Ўзбек халқ йиғи-йўқловларининг поэтикаси. Номз.дисс. –Т., 2004;  
 Соатов Б. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных пословиц. АКД. –Т., 1990;  
 Гасанов М.М. Афористические жанры дагестанского фольклора (пословицы, поговорки, загадки): Дис. канд. филол. наук. Махачкала, 1968.-174с.;  
 Абдулаева Р.Н. Идеино-тематическое и художественное своеобразие аварских пословиц, поговорок и загадок: Дис. канд. филол. наук. Махачкала, 2005.-157 с.;  
 Чуякова Н.М. Малые жанры фольклора и их место в адыгских литературах: Автореф. дис. канд. филол. наук. Майкоп, 1993. - 22с.;  
 Закиров М.И. Концепт вода/су в русских и татарских народных приметах : диссертация ... кандидата филологических наук. Казань, 2009. 261 с.;  
 Салеева Д. А. Этнические, возрастные и гендерные концепты в русских, английских и татарских паремиях : диссертация ... кандидата филологических наук. М., 2004 226 с.;